



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№23
25 декабрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
23-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
23-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 23-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 20 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Юсупова Ойша Матназаровна МЕРОС ОЛИШДА ФАКТИК “ЭР (ХОТИН)”НИНГ ҲУҚУҚИ.....	7
2. Холмирзаев Ўткирбек Пахлавонович КОНЦЕПЦИЯ КОНТРОЛЯ (THE CONCEPT OF CONTROL) В КОРПОРАТИВНОМ ПРАВЕ.....	12
3. Расулов Шохжахон Шухрат ўғли ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР	15
4. Қўзиева Моҳигул, ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	18



ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

МЕРОС ОЛИШДА ФАКТИК “ЭР (ХОТИН)”НИНГ ХУҚУҚИ

Юсупова Ойша Матназаровна
ТДЮУ таянч докторанти
e-mail: yuoysa.1990@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида “фактик никоҳ”нинг тартиб-га солиниши, шунингдек бундай никоҳ муносабатларида бўлган эр-хотиннинг ворислик ҳуқуқларини амалга ошириши борасидаги ҳуқуқий муносабатлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: фактик никоҳ, фактик эр-хотин, конкубинат, меҳнатга қобилиятсиз боқим

Никоҳ юридик категория сифатида эркак ва аёлга эр-хотин мақомини беради ва улар ўртасида оила қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтиради. Никоҳнинг тузилишини, иқтисодий жиҳатдан, эр ва хотин ўртасидаги ўзига хос молиявий ҳамкорликнинг бошланиши сифатида баҳолаш мумкин. Никоҳ тузишдан мақсад оила қуриш ҳисобланади. Шу жиҳатдан **оила ва никоҳни ўзаро бир бутун** сифатида тасаввур қилсак, ушбу бутуннинг зарурий ва бошланғич қисмини никоҳ ташкил этади. Оила қуришдан мақсад эса авлодлар бардавомлигини таъминлаш, ўзаро ғамхўрлик асосида умумий рўзгор юритиш, бир бирига нисбатан ҳурмат ва муҳаббат ришталарини умрбод боғлаш орқали қўша қариш ҳисобланади. Эр-хотин ўртасидаги муштарак мақсадлар, манфаатлар уйғунлиги, биргаликда ҳаёт кечириш ҳолатларидан келиб чиқиб, қонун уларнинг никоҳ даврида орттирган мол-мулкнинг махсус ҳуқуқий режимини, улар ўртасида бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаган.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигида эр ва хотиндан бирининг вафот этиши ёки суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши ҳамда никоҳдан ажратиш каби фактлар никоҳнинг тугатилиш асослари сифатида кўрсатиб ўтилган (Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 37-моддаси).

Эр ва хотиндан бирининг ўлими эр-хотин ўртасидаги никоҳнинг тугаши, шу билан бирга ворислик муносабатларининг юзага келишига сабаб бўлади. Эр-хотинни қонун бўйича меросхўрлар доирасига киритилиши ворислик ҳуқуқининг босқичма босқич ривожининг натижаси эканлигини алоҳида қайд этиш зарур. Даставвал мерос ҳуқуқий ворислик фақат қон-қариндошлик асосида амалга оширилган бўлиб, эр-хотин бир бирига нисбатан қон-қариндош бўлмаганлиги сабабли мерос олишга ҳақли бўлмаган. Адабиётларда ёзилишича, эр-хотин бир-бирининг мерос мулкидан улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган даврларда ҳам, эр билан хотинлар ўртасидаги мерос олиш ҳуқуқларида ўзаро нотенглик бўлган. Хотин эрига нисбатан анча чекланган мерос ҳуқуқларига эга бўлишган. Эркаклар хотинининг вафотидан кейин унинг меросидан салмоқли ҳиссани қўлга киритган, аёллар эса, аксинча, эрининг мерос мулкидан арзимаган улушга эга бўлган. Ўтган асрда ворислик ҳуқуқининг кодификация қилиниши ва қонун ҳужжатларига киритилган тузатишлар туфайли, шунингдек баъзи ҳолатларда фақат эр-хотинга тегишли бўлган мутлақ мерос ҳуқуқий мақомининг ўрнатилиши ёки мерос ҳуқуқларининг чекланиши орқали амалда тўлиқ эркак ва аёлларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилди [1].

Меросхўр сифатида эр-хотиннинг ворислик ҳуқуқий муносабатларда иштирокининг ўзига хос хусусиятлари бор. Бу унинг никоҳ ва оилавий муносабатларидаги ўзига хос ҳуқуқий мақоми, шунингдек комплекс ҳуқуқий характерга эгалиги (ҳам фуқаролик ҳам оила қонунчилиги билан тартибга солиниши) билан боғлиқ. Жумладан, ворисликка оид ҳуқуқий муносабатларда бева (эр ёки хотин)нинг ҳуқуқий ҳолати қуйидаги бир қатор ҳу-



сусиятлари билан ажралиб туради:

- 1) Бева эр (хотин) қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўрлар қаторига киради.
- 2) У даставвал мерос қолдирувчи билан биргалик турмуш даврида орттирилган мулкдан ўз улушини (тенг ярмини) ажратиш ҳуқуқига эга.
- 3) Мархум турмуш ўртоғининг мерос массасидан ўзининг улушини олиш ҳуқуқига эга [2].

Эр-хотин агар бир кунда (бир сутка ичида) вафот этса, бир биридан кейин мерос олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади.

ЎзР ФК нинг ворислик тўғрисидаги нормаларини таҳлил қилиш орқали эр (хотин)нинг қуйидаги ҳолатларга кўра ворислик муносабатлари субъекти сифатида намоён бўлиши мумкинлигини кўришимиз мумкин:

- васиятнома бўйича меросхўр сифатида;
- меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин васиятноманинг мазмунидан қатъи назар мажбурий улушга даъвогар сифатида;

- қонун бўйича биринчи навбатда меросхўр сифатида;
- мерос трансмиссияси тартибида, яъни мерос очилгандан кейин меросни қабул қилиб, аммо уни расмийлаштиришга улгурмаган меросхўрнинг мерос улушига даъвогар сифатида.

Агар васиятнома қолдирилмаган бўлса ёки бутун мерос мулкнинг тақдирини ҳал қилмаса, шунингдек васият бўйича меросхўрлар меросдан воз кечган бўлсалар ёки қонунда белгиланган тартибда меросдан махрум қилинган бўлса қонун бўйича ворислик вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг Оила қонунчилигига кўра фақат ФХДЁ органларида қайд қилинган никоҳгина эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзага келтиради. Қонуний никоҳда турганлик факти мерос очилган жойдаги нотариусга тегишли ҳужжатлар (никоҳ гувоҳномаси ёки фуқаролик ҳолати далолат ёзувидан кўчирма)ни тақдим қилиш орқали тасдиқланади. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига асосан, никоҳ қуйидаги шартларга риоя қилиб тузилган бўлса қонуний ҳисобланади:

- бўлажак эр-хотиннинг розилиги;
- никоҳ ёшига етганлиги;
- никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги [3].

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб никоҳни тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади ҳамда давлат ҳимоясида бўлади [3]. Фактик никоҳ муносабатларида бўлган эр (хотин) ҳам мерос олишда расмий қайд қилинган никоҳда турган бева эр (хотин)га берилган ҳуқуқларга эга бўлмайди, жумладан, биринчи навбатда қонун бўйича ворисликка чақирилмайди. Бу ўринда фактик никоҳ категориясига тўхталиб ўтишимиз лозим. Фактик никоҳ феномени кўплаб социологлар ва ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Фактик никоҳнинг вужудга келиш тарихи Қадимги Римга бориб тақалади. Рим ҳуқуқи ўзининг ривожланиш тарихида икки хил никоҳни тан олган, биринчидан “қонуний никоҳ”ни, иккинчидан никоҳнинг **конкубинат** усулини (“ноқонуний”). Қонуний никоҳ деганда “**ius conubii**” (қонуний никоҳга кириш ҳуқуқи) асосида вужудга келган, туғилган фарзандлар Рим давлатининг фуқароси бўлиб ҳисобланадиган ва отасининг ўз болаларига бўлган ҳукмронлигини, ҳокимиятини таъминлаб бера оладиган муносабатлар тушунилан. Конкубинат усули – “**ius conubiira**” дейилганда, қонуний никоҳга кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларнинг доимий равишдаги бирга яшаш фаолияти тушунилан ва бунга қонун томонидан рухсат этилган. Конкубинат ҳақиқий никоҳ бўлмасада, баъзи бир ҳуқуқларни вужудга келтириш билан улардан туғилган фарзандлар ота ҳукмронлигига, ҳокимиятига тааллуқли бўлмаган ҳолда ўз муносабатларини амалга оширганлар. Рим давлати ўз ҳудудларини кенгайтириш ва ҳукмронликни кучайтириш нуктаи назаридан жуда кўп урушлар олиб бориши натижасида эркаклар қирилиб кетган. Уларнинг ўрнини тўлдириш учун ҳам конкубинат усулига йўл қўйишган [4].

Шимолий ва Ғарбий Европа, шунингдек Шимолий Америка мамлакатларида фактик никоҳ (cohabitation) муносабатларининг ривожланиши 1970-, 1980-йилларга тўғри келади. Ушбу кўринишдаги муносабатлар девиант феноменидан аста-секинлик билан, айниқса ёшлар орасида, қонуний (расмий, қайд қилинган) никоҳнинг муқобил шакли сифатида қабул қилина бошланди. Жанубий Европа давлатларида эса, аксинча, бу борадаги кўрсаткич энг паст даражада бўлган. Шарқий Европа мамлакатларида бу жараён 1990-йилларга



тўғри келади. Фактик никоҳ муносабатларининг Ғарбда оммалашишини ифодаловчи кўрсаткичларидан бири никоҳсиз туғилган болалар сонининг кескин равишда ошиб кетиши ҳисобланади. Қуйида келтирилган жадвалда буни яққол кўриш мумкин.

Live births outside marriage, selected years, 1960-2018
(share of total live births, %)

	1960	1970	1980	1990	2000	2010	2015	2016	2017	2018
EU-27 (*)	-	-	-	-	25.4	36.5	41.5	42.0	42.0	42.4
Belgium	2.1	2.8	4.1	11.6	28.0	45.7	48.0	49.0	-	-
Bulgaria	8.0	8.5	10.9	12.4	38.4	54.1	58.6	58.6	58.9	58.5
Czechia	4.9	5.4	5.6	8.6	21.8	40.3	47.8	48.6	49.0	48.5
Denmark	7.8	11.0	33.2	46.4	44.6	47.3	53.8	54.0	54.2	54.2
Germany	6.3	5.5	7.6	10.5	23.4	33.3	35.0	35.5	34.7	33.9
Estonia	-	-	-	27.2	54.5	59.1	55.9	56.1	56.9	54.1
Ireland	1.6	2.7	5.9	14.6	31.5	33.8	36.6	36.7	37.6	37.9
Greece	1.2	1.1	1.5	2.2	4.0	7.3	8.8	9.4	10.3	11.1
Spain	2.3	1.4	3.9	9.6	17.7	35.5	44.5	45.9	46.8	47.3
France (†)	6.1	6.8	11.4	30.1	43.6	55.0	59.1	59.7	59.9	60.4
Croatia	7.4	5.4	5.1	7.0	9.0	13.3	18.1	18.9	19.9	20.7
Italy	2.4	2.2	4.3	6.5	9.2	21.8	30.0	31.5	32.8	34.0
Cyprus	-	0.2	0.6	0.7	2.3	15.2	16.6	19.1	20.3	-
Latvia	11.9	11.4	12.5	16.9	40.4	44.4	41.5	40.9	40.4	39.5
Lithuania	-	3.7	6.3	7.0	22.6	25.7	27.7	27.4	26.7	26.4
Luxembourg	3.2	4.0	6.0	12.8	21.9	34.0	38.8	40.7	40.8	39.5
Hungary	5.5	5.4	7.1	13.1	29.0	40.8	47.9	46.7	44.7	43.9
Malta	0.7	1.5	1.1	1.8	10.6	25.3	-	-	-	-
Netherlands	1.4	2.1	4.1	11.4	24.9	44.3	49.8	50.4	51.0	51.9
Austria	13.0	12.8	17.8	23.6	31.3	40.1	42.1	42.2	42.0	41.3
Poland	-	5.0	4.8	6.2	12.1	20.6	24.6	25.0	24.1	26.4
Portugal	9.5	7.3	9.2	14.7	22.2	41.3	50.7	52.8	54.9	55.9
Romania	-	-	-	-	25.5	27.7	31.6	32.0	31.2	30.9
Slovenia	9.1	8.5	13.1	24.5	37.1	55.7	57.9	58.6	57.5	57.7
Slovakia	4.7	6.2	5.7	7.6	18.3	33.0	39.2	40.2	40.1	40.0
Finland	4.0	5.8	13.1	25.2	39.2	41.1	44.3	44.9	44.8	44.6
Sweden	11.3	18.6	39.7	47.0	55.3	54.2	54.7	54.9	54.5	54.5
United Kingdom	5.2	8.0	11.5	27.9	39.5	46.9	47.9	47.7	48.2	-
Iceland	25.3	29.9	39.7	55.2	65.2	64.3	-	69.6	71.2	70.5
Liechtenstein	3.7	4.5	5.3	6.9	15.7	21.3	15.1	22.2	22.2	21.7
Norway	3.7	6.9	14.5	38.6	49.6	54.8	55.9	56.2	55.7	56.4
Switzerland	3.8	3.8	4.7	6.1	10.7	18.6	22.9	24.2	25.2	25.7
North Macedonia	5.1	6.2	6.1	7.1	9.8	12.2	11	12.0	11.6	12.1
Serbia	-	-	-	-	20.7	24.0	25.5	25.9	26.3	26.8
Turkey	-	-	-	-	-	2.6	2.8	2.9	3.0	2.9
Bosnia and Herzegovina	-	-	-	-	-	10.8	-	-	-	-
Kosovo (†)	-	-	-	-	-	40.3	42.6	41.6	40.5	38.7

(*) 2015 to 2016: estimate based on 26 countries (Malta not available). 2017: estimate based on 25 countries (Malta and Belgium not available).

2018: estimate based on 24 countries (Malta, Belgium and Cyprus not available). Poland: estimate

(†) up to 1990: excluding French overseas departments.

(†) this designation is without prejudice to positions on status, and is in line with UNSCR 1244/1999 and the ICJ Opinion on the Kosovo declaration of independence.

Source: Eurostat (online data code: demo_find)

eurostat

Юқоридаги жадвалда кўрсатилган маълумотларга асосан, 2018 йилда Белгия, Кипр ва Малта оролларида ташқари Европа Иттифоқига аъзо 24 та мамлакат миқёсида олинган кўрсаткичларга асосан никоҳсиз туғилган болаларнинг умумий туғилган болалар сонига нисбати 42,4 % ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2000 йилда 25,4 % фоизга тенг бўлган. Никоҳсиз туғилган болалар сони бўйича 2018 йилдаги статистикага кўра, Франция (60,4 %), Болгария (58,8 %), Словения (57,7 %), Португалия (55,9 %), Швеция (54,5 %), Дания (54,2 %), Эстония (54,1 %), Нидерландия (51,9 %) каби давлатлар етакчилик қилганини кўриш мумкин. Аксинча, Греция, Хорватия, Литва, Польша каби давлатларда 70 % туғилишлар расмий қайд қилинган никоҳда содир бўлган. Туркияда эса 97,1% болалар қонуний никоҳ асосида яшовчи оилаларда туғилган [5]. “Никоҳдан ташқари туғилишлар сони” ҳақидаги статистик маълумотлар туғилиш факти содир бўлганда она қонуний никоҳ ҳолатида бўлмаганлигини кўрсатади. Юқоридаги жадвалда кўрсатилган давлатларда “никоҳдан ташқари туғилишлар” кўпайишининг энг асосий сабабларидан бири никоҳни қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирмасдан биргаликда яшовчи оилалар сонининг ортиши ҳисобланади. Фактик никоҳнинг жамиятда тобора кенг тарқалиши сабабли, кўплаб хорижий мамлакатларда уни легаллаштириш зарурати пайдо бўлди. Хусусан, Украина Оила кодексида фактик никоҳда турувчи эркак ва аёлнинг биргаликдаги турмушда орттирган мулклари умумий биргаликдаги мулк ҳисобланиши ҳақидаги қоида ўрнатилган [6]. Шунингдек, Украина фуқаролик кодексида мерос қолдирувчи билан камида беш йил давомида оила бўлиб бирга яшаган шахслар тўртинчи навбатда ворислик ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилган [7].

Эквадор давлати Конституциясида ҳам фактик никоҳнинг юридик оқибат келтириб чиқариши ҳақида махсус норма мавжуд. Хусусан, эркак ва аёлнинг моногам ва доимий оилавий муносабатлари икки йилдан ортиқ давом этган бўлса ва улар расмий никоҳ тузмасдан биргаликда яшаган, фарзандлар дунёга келтирган, ўзаро муносабатлар ҳурматга асосланган бўлса, бундай фактик никоҳ натижасида орттирган мол-мулклари умумий биргаликдаги



мулк деб тан олинishi мумкин [8]. Бундан ташқари 1982 йилда “Фактик никоҳни тартибга солиш тўғрисида”ги махсус қонун қабул қилинган. Ушбу қонунда фактик эр (хотин)га ҳам ворислик муносабатларидаги эр-хотинга нисбатан қўлланиладиган қоидалар қўлланилиши ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилган [9].

Бугунги кунда Швеция, Нидерландия, Норвегия, Венгрия, Белгия, Франция, Португалия каби давлатларда фактик никоҳ ҳуқуқий тартибга солинган ва бундай давлатлар сони ортиб бормоқда. Аммо фактик никоҳ юридик жиҳатдан тартибга солинган давлатларнинг ҳаммасида ҳам фактик “эр (хотин)га мерос олиш ҳуқуқи берилмаган. Хусусан, Швецияда ворислик муносабатлари “Ворислик тўғрисидаги қонунлар Кодекси” (Ärvdabalk, (1958-637) га ҳамда “Ворисликка оил халқаро ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида” (Lag om internationella rättsförhållanden rörande dödsbo (1937:81)ги қонунга асосан тартибга солинади. Швеция қонунчилигига кўра фактик никоҳ муносабатлари (sambo)да турган шахслар бир биридан кейин мерос олиш ҳуқуқига эга эмас [10].

Ўзбекистон Республикасида фактик никоҳ ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди. Фактик никоҳ муносабатлари асосида мерос қолдирувчи билан яшаган аёл ёки эркак агар васиятнома қолдирилган бўлса, васият бўйича меросхўр бўлиши мумкин. Фактик “эр-хотин” қонун бўйича меросхўр сифатида 1135-моддасига асосан мерос қолдирувчининг қонуний никоҳда турган эри (хотини) каби биринчи навбатда меросдан улуш олиш ҳуқуқига эга эмас. Фақат ЎЗР ФКнинг 1139-, 1141-моддаларига асосан қонун бўйича меҳнатга қобилиятсиз боқим сифатида мерос мулкидан улуш олиши мумкин. Бунинг учун фактик “эр ёки хотин” мерос қолдирувчининг вафотига қадар унинг қарамоғида бўлганлиги ва мерос очилган пайтда меҳнатга қобилиятсиз эканлиги суд тартибида белгиланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ворислик ҳуқуқида меҳнатга қобилиятсиз боқимлар учта категорияга ажратилган:

1) Мерос қолдирувчи билан камида бир йил давомида яшаган ва унинг қарамоғида бўлган шахслар. ЎЗР ФКнинг 1141-моддасига асосан, бундай меҳнатга қобилиятсиз боқимлар, шу жумладан фактик “эр ёки хотин” қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ЎЗР ФКнинг 1136 — 1138-моддаларида кўрсатилган қонун бўйича меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмайдиган меҳнатга қобилиятсиз шахслар мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган-яшамаганликларидан қатъи назар, агар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар. Агар фактик “эр (хотин)” мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача қариндоши ва меҳнатга қобилиятсиз боқими бўлган бўлса ушбу асосга кўра меросдан улуш олиши мумкин.

Мерос қолдирувчи билан бир йилдан кам муддат давомида яшаган ва унинг қарамоғида бўлган шахслар. Бундай ҳолатда фактик “эр ёки хотин”да қонун бўйича мустақил равишда меросхўр бўлиш имконияти бор. Олдинги навбатларда меросхўрлар бўлмаса (ёки ҳаммаси меросдан воз кечган, меросдан маҳрум қилинган) ва суд томонидан меҳнатга қобилиятсиз боқим эканлиги тасдиқланса ЎЗР ФКнинг 1139-моддасига асосан бешинчи навбатда ворисликка чақирилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек фактик никоҳ ҳуқуқий оқибат туғдирмайди, аммо бу борада қонунчилигимизда истисно бор. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 295-моддаси иккинчи қисмининг 5-бандига асосан фактик никоҳ муносабатларида бўлганлик факти қуйидаги ҳолатлар бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлса суд томонидан ўрнатилиши мумкин:

- Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 22 августдаги Фармонида кўра фактик никоҳ муносабатларида бўлганлик факти фақат бундай муносабатлар 1944 йил 8 июлгача вужудга келган бўлса;
- фактик никоҳда турувчилардан бири вафот этган бўлса;
- никоҳни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органида эр-хотиндан бирининг вафоти туфайли рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмаса;
- 1944 йил 8 июлгача бошқа фактик никоҳга кирмаган бўлиши ёки бир вақтнинг ўзида бошқа шахс билан қонуний никоҳда бўлмаган бўлиши.



Юқорида кўрсатилган вақтдан кейин вужудга келган фактик никоҳ муносабатлари юридик оқибат келтириб чиқармайди ва бундай фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар суд тартибида кўришлик учун қабул қилинмайди.

Агар эр-хотиндан бири, шунингдек, бу муносабатлар томонлардан бирининг вафотига қадар тугатилган бўлса, бундай фактларни суд белгилаши мумкин эмас. Суд мажлисида никоҳ муносабатларининг мавжудлигини (биргаликда яшаш, умумий хўжалик юритиш, болаларнинг борлиги ва уларни тарбиялаш ва бошқаларни) исботловчи далиллар текширилади.

Фактик муносабатларни ҳақиқатда бўлган деб топиб, суд уни мазкур шахслар ўртасида вужудга келган вақти ва улардан бирининг вафот этган кунига қадар давом этганини аниқлайди [11]. Суд тартибида фактик никоҳ тан олинганда меросдан улуш олиш учун нотариал идорага мурожаат қилиш мумкин. Бундай ҳолатда қонуний кучга кирган суд қарорининг нусхаси тақдим қилинади. Юқоридаги ҳолатларни ўрганиш натижасида фактик “эр-хотин” нинг мерос олишдаги ҳуқуқлари қонуний (расмий, қайд қилинган) никоҳда турган эр (хотин)га нисбатан қонун доирасида чекланганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Албатта биз фактик никоҳ билан қонуний никоҳдаги шахсларнинг мерос олишдаги ҳуқуқларини тенглаштириш тарафдори эмасмиз ва бу миллий урф-одат ва қадриятларимиз, ўзбек менталитетининг моҳиятига зид келади. Ворислик ҳуқуқида қонуний никоҳда турган эр (хотин)нинг мерос олишдаги ҳуқуқларига фактик “эр (хотин)”га қиёслаганда устунлиқнинг ўрнатилганлиги жамиятимизда оила ва никоҳнинг муқаддаслигини сақлаб қолиш ва мавқеини оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Блинков О. Е. Наследственные права супругов в государствах – участниках сотрудничества независимых государств и Балтии (Блинков О. Е.) («Нотариус», 2006, № 5) [Электрон манба]. – <http://www.center-bereg.ru>
2. Г.О. Беланова. К вопросу о нотариальном оформлении наследственных прав пережившего супруга. Закон и Право. 04-2018. 56-59-б.
3. Оила ва никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий тартиби. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Тошкент – 2018. Илмий техника ахбороти-пресс нашриёти. 1-б.
4. Топилдиев В. Р. Рим ҳуқуқи: юриспруденция бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун дарслик/ Тошкент: Янги аср авлоди – 2013. 87-б.
5. https://ec.europa.eu/eurostat/statistics_explained/index.php?title=Marriage_and_divorce_statistics#A_rise_in_births_outside_marriage
6. Украина Оила кодекси. 74-модда биринчи қисм. 2002 йил 10 январь. 17.06.2020 йилгача бўлган ўзгартиришлар билан. Электрон манба: <https://meget.kiev.ua>
7. Украина Фуқаролик кодекси. 1264-моддаси. 2003 йил 16 январь. 21.07.2020 йилгача бўлган ўзгартиришлар билан. Электрон манба: <https://meget.kiev.ua>
8. Эквадор Республикаси Конституцияси. 20.10.2008 йил. 68-модда. Электрон манба: <https://pdpa.georgetown.edu>
9. Вартамян Манук Овсепович НАСЛЕДСТВЕННЫЕ ПРАВА ЛИЦ, НЕ СОСТОЯЩИХ В ЗАРЕГИСТРИРОВАННОМ БРАКЕ // Бюллетень науки и практики. 2017. №2 (15). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nasledstvennye-prava-lits-ne-sostoyaschih-v-zaregistrovannom-brake> (дата обращения: 21.11.2020).
10. <https://www.landsmann.no/>. Права соотечественников Северной Европы. Юридический журнал. № 2. 2014 йил. 41-б.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори. “Юридик аҳамиятга эга фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”. 1991 йил 20 декабрь. 13-банд. Манба: www.lex.uz/ Мурожаат қилинган сана: 28.10.2020.



КОНЦЕПЦИЯ КОНТРОЛЯ (THE CONCEPT OF CONTROL) В КОРПОРАТИВНОМ ПРАВЕ

Холмирзаев Ўткирбек Пахлавович
Преподаватель кафедры
Бизнес право ТГЮУ
Телефон: +99891 161-13-06
utkirpahlavon@gmail.com

Аннотация: Данная статья поможет рассмотреть концепцию контроля в корпорациях английского права и в национальном праве. Обсуждается проблема контроля в хозяйственных обществах и основания субсидиарной и солидарной ответственности контролируемых лиц в результате чрезмерного контроля. Также, в статье затрагивается тема права контролирующего лица – основного общества давать обязательные указания дочернему обществу.

Ключевые слова: концепция контроля, доктрина «снятие корпоративного покрыва», акционер, участник, субсидиарная ответственность, дочернее общество.

«Контроль в корпорации» является фундаментальной концепцией в управлении корпорации и определении объема ответственности контролируемых лиц во всех правопорядках. Ведь **фундаментальным признаком корпорации является ее самостоятельная юридическая личность**, а чрезмерный контроль фактически лишает ее от собственной воли, в результате прав может игнорировать юридическую личность корпорации. В американском праве контроль считается очень важным юридическим фактом в определении ответственности мажоритарных акционеров и директоров. Судья Брандейс (*Mr. Justice Brandeis*) назвал его «главным инструментом американской экономики», он обосновал свое мнение ростом значения контроля в экономической и социальной действительности корпорации значение контроля (1). Кроме того, институт контроля имеет важное значение в обеспечении прав и законных интересов кредиторов и миноритарных акционеров (участников). И в германском праве контроль считается решающим фактором в определении ответственности в корпоративных группах (концерн).

Корпорации, по сути управляются его контролирующими лицами: акционерами, директорами. Они не являются просто управляющими лицами, а они по сути определяют все действия корпорации. А это сам по себе означает, что контроль в действительности является очень важным явлением в определении сущности действий корпорации.

Концепция контроля появилась в начале 20 века для выявления участия вражеских структур в важнейших секторах экономики. Сегодня концепция нашла нормативное отражение в развитых правопорядках для определения экономической зависимости и является основанием для применения доктрины снятия корпоративного покрыва (для привлечения к ответственности участников по обязательствам корпорации).

Контроль в корпорациях рассматривается не как элемент, определяющий субъекта правоотношений, а определяющий взаимозависимость и вертикальных экономических отношений в фактическом управлении корпорацией. Таким образом, частноправовые инструменты определения контроля направлены на выявления реального содержания экономических отношений между участниками и органами управления юридического лица. Именно такой подход принят в национальном праве.

Как уже было сказано, концепция контроля лежит в основе доктрины снятия корпоративного покрыва. То есть чрезмерный контроль в управлении корпорацией может являться основанием (в совокупности других факторов) игнорирования **самостоятельной юридической личности и независимости юридического лица**, и соответственно возложения ответственности по обязательствам корпорации на контролирующего лица. Также, право может отождествлять контролирующего лица и корпорацию в случае выявления чрезмерного контроля, что означает отсутствие юридической независимости корпорации.

Концепция контроля, как инструмент определения действительных экономических связей между контролирующими лицами и корпорацией **направлен на справедливую корректировку объема прав и обязанности, также ответственности соответствующих**



контролирующих лиц. Исходя из этого субъектом контроля считается лицо, которое в действительности принимает решения или решающе влияет на принятие решений подконтрольного юридического лица.

Некоторые ученые считают, в том числе С. Покровский, что концепция контроля лишь может быть использован для установления мотивов действия (бездействия) подконтрольного юридического лица, но не может служить основанием установления связи между действиями контролирующего и подконтрольного лица. То есть наличие контроля не означает, что противоправные действия, совершенные подконтрольным юридическим лицом порождает деликтную ответственность для контролирующего лица. Ведь основным условием деликтной ответственности является причинение вреда (совершение реальных действий), но возможность определять поведение подконтрольного юридического лица еще не означает его действие, направленное на причинение вреда.

Однако, вторая группа ученых, в том числе А. Егоров и К. Усачева ссылаясь на немецкую доктрину ответственности за подрыв жизнеспособности компании (*Existenzvernichtungshaftung*), считают причинение вреда кредиторам корпорации все-таки возможно со стороны контролирующих лиц. Соответственно в этом случае вполне возможна и справедлива деликтная ответственность контролирующих лиц перед третьими лицами.

По мнению американского ученого А. Берле (*Adolf A. Berle*), контроль – понимается как функция владения голосующими акциями (долей). И с теоретической точки зрения он разделяет **2 понимания контроля**: абсолютный контроль (*absolute control*) и рабочий контроль (*working control*).

«Абсолютный контроль» находится, когда большинство голосующих (простых) акций принадлежит одному владельцу или нескольким акционерам, которые по соглашению или молчаливому согласию действуют сообща. Например, владение пятьдесят одним процентом акций компании одним лицом составляет абсолютный контроль. Кроме того, владение сорок процентов акций тоже может быть абсолютным, если оставшиеся шестьдесят процентов будут разделены между сотнями или тысячами мелких акционеров (*stockholders*).

«Рабочий контроль» несколько сложнее, поскольку он включает в себя дополнительный элемент, который на самом деле является квазиполитическим процессом. Этот элемент – способность мобилизовать других акционеров. Как правило, рабочий контроль существует там, где акционер или небольшая группа акционеров имеют легкодоступный метод побуждения достаточного количества дополнительных акционеров голосовать вместе с ними, чтобы в совокупности они могли избирать директоров.

По мнению ученого, контроль не просто владение контрольным пакетом акций (хотя владение акцией играет определенную роль), это функция от владения и решающего влияния на принятия решений в корпорации. Это, по сути, разновидность политического процесса. Контролирующее лицо – это не столько обладатель права собственности на акции или доли, сколько обладатель властного положения. Контролирующее лицо совершает или заставляет совершать определенные действия: он сам принимает решение или выбирает принимающих решений (директоров). Очевидно, что это влияет на некоторые основные направления деятельности корпорации. Он обычно наблюдает и оценивает управление, изменяя его, если оно кажется неадекватным.

Преобладающее участие в уставном капитале, по мнению ряд авторов, считается исторически первым признаком контроля. Английские суды признали воли участников первоисточником правосубъектности корпорации, также определяющей воли корпорации. Прежде всего, в данном контексте преобладающего участия, подразумевает экономическое господство основного общества.

М.И. Кулагин, цитируя зарубежных авторов, отмечает, что экономической предпосылкой существования контроля является обладание капиталом (что не исключает других форм экономического господствования (зависимости). В связи с этим в определениях «контролирующего», «господствующего» либо «зависимого лица» всегда используется критерий обладания капиталом, уточняемый с количественной и качественной стороны.



Концепция контроля в узбекском гражданском праве

В национальном корпоративном праве концепция контроля нашла свое отражение в отношениях зависимости и дочерности хозяйственных обществ (ст. ст. 67-68 ГК). Данное положение определение экономического контроля также является основанием возникновения солидарной и субсидиарной ответственности основного общества по долгам дочерного. Кроме того, ст. 48 ГК связывает контроль с субсидиарной ответственностью контролирующего участника (или собственника) при наличии определенных условий (об ответственности мы обсудим в 3-главе настоящей работы).

Однако, как следует из содержания ч. 4 ст. 48 ГК контроль учредителя определяются не с владением доли или акций, а правом давать обязательные указания подконтрольному юридическому лицу, что явно показывает непоследовательности законодателя в применении концепции контроля в ответственности контролирующих лиц.

Дочернее общество

Данный институт заимствован из германского права группы компаний (*Konzernrecht*), что предназначен в первую очередь для защиты прав миноритарных акционеров и корректировке объем ответственности подконтрольного – дочернего общества.

Законодатель признает дочерним общество, если другое юридическое лицо (то есть основное) имеет **возможность определять его решения** в силу преобладающего участия в его уставном фонде либо в соответствии с заключенным между ними договором, или иным образом.

Ч. 5 ст. 8 Закона «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» возлагает солидарную ответственность на основного общества (контролирующего), которое «имеет право давать дочернему хозяйственному обществу обязательные указания». Таким образом законодатель вменяет в концепцию контроля **право давать обязательное указание**. Тем самым, закон уточняет как устанавливается право основного общества давать обязательное указание: право давать обязательные указания возникает только в случае, **когда это предусмотрено в договоре** с дочерним и основным обществам **или в уставе** дочернего общества (ч. 5 ст. 8 Закона «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»).

В национальном праве **«Право давать обязательные указания»** считается основным элементом контроля. Однако ни законодатель, ни судебная практика, ни юридическая наука пока не раскрыли природу такого права и представили основания обязательности таких указаний. Также не объяснили, чем такое **право давать обязательные указания отличается от права участника участия в управлении** хозяйственного общества, чье решение как раз определяет воли общества.

Контроль на основании договора возникает в случае, когда полномочия единоличного исполнительного органа передается доверительному управляющему (ч. 2 ст. 79 Закона «Об акционерных обществах и защите прав акционеров»).

Контроль на основании договора возникает в случаях передачи полномочий единоличного исполнительного органа управляющей организации, передачи прав на использование товарного знака, исключительных прав на результаты интеллектуальной деятельности либо средство индивидуализации.

Список использованной литературы

1. Adolf A. Berle, Jr. "Control" in Corporate Law. Columbia Law Review, Vol. 58, No. 8, Columbia University School of Law: 1858-1958. 1958 (Dec., 1958), pp. 1212-1225. С. 1212.
2. Покровский С.С. Ответственность контролирующих должника лиц за доведение до банкротства. 2016. С. 135.
3. Егоров А. В., Усачева К. А. Субсидиарная ответственность за доведение до банкротства — неудачный эквивалент западной доктрины снятия корпоративного покрова. «Вестник ВАС РФ», 2013, N 12. <https://center-bereg.ru/b592.html> (stand: 08.10.2020 y.)
4. Кулагин М.И. Избранные труды по акционерному и торговому праву. С. 160.
5. Vandekerckhove K. Piercing the Corporate Veil. N.Y., 2007. P. 11, 79.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

*Расулов Шохжахон Шухрат ўғли
Ўзбекистон Республикаси Давлат
Божхона Қўмитаси Божхона институти
магистратура тингловчиси.*

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ўрганишга, шунингдек, божхона органлари томонидан ушбу фаолиятни амалга оширишда асосий камчиликларга ва уларни ҳал қилиш йўлларини аниқлашга бағишланган. Шунингдек, божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: божхона органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, глобаллашув, компетент, маъмурий ҳуқуқбузарлик, жиноий ҳуқуқбузарлик.

Annotation .This article is devoted to the study of the legal and organizational framework of law enforcement activities of the customs authorities of the Republic of Uzbekistan, as well as to identify the main shortcomings in the implementation of these activities by customs authorities and ways to address them. The main directions of law enforcement activities of the customs authorities were also considered.

Keywords: customs, law enforcement, globalization, competent, administrative offense, a criminal offense.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви ва Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқалар доирасида интеграциялашуви давлатнинг ташқи савдо фаолиятини бошқаришда божхона тартиб-таомилларининг роли катталагини намоён қилиб келмоқда. Давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ўз ваколатлари доирасида давлатнинг миллий манфаатлари ва иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлайди. Шу муносабат билан, божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат ўз функцияларини амалга оширишда барча давлат органларини, муассасаларини, мансабдор шахсларини ўз ҳудудида яшовчи барча фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилишга ва уларга риоя қилишга мажбур қилади. Бу эса ўз навбатида “ҳуқуқни муҳофаза қилиш” сўзнинг кенг ва тор маънода талқин қилишга имкон беради.

Кенг маънода, бу фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, уларнинг амалга оширилишини, қонунийлигини таъминлайдиган барча давлат органларининг (қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти) фаолияти. Ушбу давлат органлари қонун чиқариш, унинг ижросини таъминлаш ва қонуний манфаатлар бузилишини олдини олиш ва ҳимоялаш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини билан билвосита амалга оширади.

Тор маънода эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш - бу ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларни тўхтатиш ва олдини олиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан турли хил таъсир чораларини амалга ошириш каби вазифаларни бажариш учун ваколатли (компетент) бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти тушунилади.

Божхона органлари ҳам ўз вазифаларини бажаришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан берилган суриштирув (38-модда) ва “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан берилган (10-модда) тезкор қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатлари, шунингдек “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги Қонун божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш вазифалари божхона органларининг тезкор бўлинмалари, суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлимлари ва ўз хавфсизлигини таъминлаш бўлимларига юклатилган бўлиб, уларнинг фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Божхона кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, шунингдек



божхона соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан шакллантирилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда божхона ҳуқуқи манбалари тизимининг асосий элементлари сифатида қуйидагилар олинади:

- ички божхона қонунчилиги;

- Ўзбекистон иштирокидаги божхона масалаларига оид халқаро ҳуқуқий ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар ва битимлар.

Бугунги кунда кўплаб чет давлатларининг ҳуқуқни шакллантириш механизми каби Ўзбекистонда ҳам божхона фаолиятига оид низоларини ҳал қилишда тўпланган суд амалиёти божхона муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни амалга оширишга сезиларли таъсир кўрсатади.

Буларининг барчаси божхона органларининг давлат бошқарув функцияларини бажаришда, шунингдек, божхона фаолиятида давлат, маъмурий, божхона, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларининг ишлатилиши, уларга риоя этилиши, бажарилиши ва қўлланилишини назорат қилишда ҳуқуқий асос сифатида қаралади десак муболаға бўлмайди.

Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига тўхталадиган бўлсак, ушбу фаолиятнинг етакчи йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- божхона соҳасида жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича фаолият;

- ўз хавфсизлигини таъминлашга доир фаолият;

- зарур чоралар мажмуини ўз ичига олган божхона муҳофазаси хизмати фаолияти, яъни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини, божхона органлари маъмурий бинолари ва божхона органларининг бошқа маъмурий биноларини кўриқлашга, божхона назорати зонаси режимини таъминлашга, божхона органлари мансабдор шахслари ва уларнинг оила аъзоларининг ўз фаолияти оқибатида юзага келувчи ноқонуний тажовузулардан ҳимоялашга қаратилган комплекс чораларни қўллашдаги фаолияти;

- божхона органлари ходимларининг талабларига божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ўз ваколатларини амалга оширишда қонунга мувофиқлигини назорат қилиш бўйича тадбирлар.

Бундан ташқари, божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қуйи тизими бўлиб, ўз вазифаларини ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи органлари, хусусан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари, шунингдек чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро алоқада бўлади.

Ҳозирги кунда божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширишда бир қатор муаммоларга дуч келаётганлигин кўрсатиб ўтиш мумкин, жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширишда ахборот-таҳлилий фаолиятни амалга оширишда маълумотлар базасининг етарли даражада эмаслиги;

- божхона органларининг тезкор-кидирув фаолиятини амалга оширишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, ҳамда назорат қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлиги паст даражадалиги.

Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги божхона маъмурчилиги самарадорлигининг пасайишига, адолатсиз рақобатга, сифатсиз импорт қилинадиган товарларнинг Ўзбекистон бозорига кириб келишига ва бошқа салбий ҳодисаларга олиб келади. Бу каби муаммоларни олдини олиш учун қуйидаги бир қатор чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- божхона органлари томонидан ички ишлар органларида шаклланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар тўғрисида маълумотлар базасидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

- божхона органларининг, умуман олганда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишда ушбу органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қаерда бошланиб қаерда тугаши аниқ акс эттирилган ҳолатдаги ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида алоҳида регламент ишлаб чиқиш.

Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг 2020 йилгача бўлган ҳолатининг таҳлилий натижалари шуни кўрсатадики, божхона соҳасида жиноий ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш сифатини кучайтириш, давлатнинг



иқтисодий хавфсизлиги даражасини ошириш устувор вазифа ҳисобланади. Бу борада ҳукуматимиз томонидан божхона органлари маъмурчилигини такомиллаштириш, халқаро меъёрларга интеграциялашувини таъминлашда бир қанча ислоҳатлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2020 йилдаги ПФ-6005 сонли “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва ўзбекистон республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони билан божхона органларида амалга оширилган ислоҳатлар натижаси ўлароқ, биргина “Тошкент-АЭРО” ИБК Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бўлими томонидан сўнги чорак натижаларига кўра, ташқи иқтисодий фаолият йўналишида олиб борилган тезкор таҳлиллар ва тадбирлар натижасида, жами **3,5 млрд.** сўм миқдорида кўшимча божхона тўловлари ҳисобланиб, уларни давлат бюджетига тегишли тартибда ундириб олиш чоралари кўрилганлиги, умумий қиймати **8,3 млрд. сўмлик** (2019 йилда 1,9 млрд.) товар - моддий бойликларининг ноқонуний айлануви олди олинганлиги яхши натижа десак муболаға бўлмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини такомиллаштириш давлатнинг халқаро иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга муҳим аҳамият касб этади. Бу борада барча муаммоларни олдини олиш чораларини кўриш давлат учун ҳар томонлама фойдали эканлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Дарслик. Тошкент: ТДЮИ, 2005 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлиги тўғрисидаги кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум қарорлар тўплами 1991-2010 йй.
5. Миллеров Е. В. Режим функционирования таможенной территории в теории административно-правовых режимов: монография. Ростов н/Д, 2015.
6. Мясников А. П., Миллеров Е. В. К вопросу о повышении эффективности реализации функций таможенных органов по защите общественной нравственности путем расширения административно- и уголовно-процессуальной юрисдикции // Юристы-Правоведы. 2016. № 3.



ТАРИХ ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Қўзиева Моҳигул,
Навоий вилояти Қизилтепа тумани
15-умутаълим мактаб
Тарих фани ўқитувчиси*

Аннотация: Мазкур мақолада интерфаол методлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, уларни таълим жараёнига қўлланилиши ёритилган.

Калит сўзлар: Тарих, метод, интерфаол метод, технология, инновацион технология, педагогика, таълим жараёни.

Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган кишлок, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди. Буларни ўрганиш тарих фанларининг вазифасидир. Ҳам қизиқарли, ҳам қийин бўлган тарих фанини ўрганишда ўқувчи шахсини эркин фикрлашга ва уни тўғри ифодалай олишга эришилади. Мантикий фикрловчи, дунёқараши кенг ижодий ва сиёсий тафаккурга, метин иродага эга шахсни камол топтириш тарих фанларининг бош мақсадидир. Шундай экан, ўқувчиларда ўтмиш тарихимиз, маданиятимиз, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари, энг аввало, тарих фанларини ўқитиш жараёнида амалга оширилади. Янгиланган таълим тизимида эски усулларидадан воз кечиб, замонавий интерфаол ўқитиш методлари асосида ташкил қилинган дарслар яхши самара бермоқда.

Мамлакатимизда мавжуд узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир бўғинида ўқувчи-ёшлар, талабаларни ўқитиш ишларида анъанавий методлардан ташқари ноанъанавий методлардан фойдаланиш, янги педагогик технологиялар, компьютер ва ахборот технологияларидадан унумли фойдаланиш, табиий ва ижтимоий фанларни ўқитишда, муҳим амалий масалаларни эчишда янгидан-янги усуллари қўллаш ва бундай усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий этилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслахатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу эса ўқувчидан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб этади. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман ўқувчиларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Бунинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга: ўқувчиларнинг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этилиши, фанга бўлган қизиқишларини доимийлиги таъминланиши, қизиқишларини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтирилиши киради.

Демак, дарсларнинг бу тарзда ташкил этилиши ўқувчиларни мустақил ҳаётга ҳам тайёрлайди. Тарих дарсини олиб бориш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш жуда муҳим масала ҳисобланади. Дарснинг интерфаол метод ва ўйинлар ёрдамида ўтилиши ҳеч кимда қаршилиқ туғдирмайди. Ўйинлар қатнашувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини орттириб, воқеаларни кўз олдига келтиришига ёрдам беради. Ўйин давомида ўқувчилар қоидаларга амал қилиш, тартиблилик ҳамда бўйсуншни ҳам ўрганади. Ўйин жараёнида яқка фикр қабул қилиб, ўз фикрларинини билдиришлари ҳамда қарши томон фикрлари ҳақидаги билимларга ҳам эга бўладилар. Шу тарзда ўқувчиларнинг мавзуларни осон ўрганиши ҳамда янги билим олишга интилишлари ортади.



Интерфаол ва ўйин методларидан асосан ўқитиш жараёнида фаолликни ошириш учун фойдаланилади. Ўйин вақтида ўқувчи мотивация олади, қандайдир бир персонаж ясалса қахрамон ролини ўйнаш билан ижобий фазилатларга эга бўлади. Бу ўқувчини ўз-ўзини англашга, четдан баҳо беришга, фикрлаш қобилиятларини ўсишига, ақлий харақтерларини ривожланишига ҳамда ўзини тутишда эркинликка ундайди.

Масалан, 7 - синфда Ўзбекистон тарихи фанидан “Амир Темури ва Темурийлар даври тарихи” бобида берилган мавзуларни “Эртақ” усули асосида сахналаштирган ҳолда олиб борилса, яхши натижаларга эришиш мумкин. Маълумки, эртақларда ҳамиша эзгулик ва яхшилик, ёвузлик устидан ғалаба қозонади. Ўқитувчи дарс аввалида “Темурийлар салтанатига” га ҳаёлан саёҳат қилишлигини айтади. Темурийлар ҳақидаги ўқувчилар орасидаги фикрларни эшитиш орқали ўтилган мавзу мустаҳкамланади. Бунда “Ҳа-йўқ”, “Сирли рақамлар”, “Ақлий хужум”, “Тест” технологияси методларидан фойдаланиш мумкин.

“Сирли рақамлар” методи. Иккита конверт тайёрланган. Бу конвертлардан бирида қоғозчаларда йил ва саналар ёзилган. Иккинчи конвертда Темурийлар сулоласига мансуб тарихий шахслар келтирилган. Ўқувчилар тарихий шахсларни олиб борган сиёсати ва тарихий воқеаларни қайси йил ва саналарга тўғри келишини аниқлашлари керак. Буларни бажариш орқали ўқувчиларга янги мавзу ҳақида маълумот берилади, дарсликдаги машқлар бажарилади. Дарс давомида фаол қатнашган ўқувчилар рағбатлантирилади. Бундан ташқари дарсларда тарихий шахсларнинг ҳаёти ва олиб борган сиёсатини ўрганишда “Рақамлар тилга кирганда” усули ҳам яхши самара беради. Бунда ўқувчилар кўрсатилган сана ва йиллар остида яширинган маълумотларни айтадилар. “Сирли қахрамон” методи. Бу метод дарс топишмоғи тарзида қўлланилади.

Ўқитувчи тарихий шахснинг яқка сифатларини таърифлайди ва унинг ким эканлигини топиш сўралади.

“Тест” (инглизча “синов”, “текшириш”) технологияси методи - бу шахснинг психологик, физиологик ва шахсий хусусиятлари, интеллектуал салоҳияти, қобилияти, кўникма ва малакаларини баҳолашга хизмат қилади.

Технология ўқувчилар томонидан муайян мавзу мазмуни ёки фан асосларининг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлашда самарали ҳисобланади [3].

“Тапни давом эттириш” ўйини бунда, тарихий шахсларни ҳаёти ва юргизган сиёсати ҳамда барпо этган давлати билан танишиб чиққандан сўнг ўқитувчи қатор жумлалар тузади ва ўқувчилардан уларни давом эттиришларини сўрайди.

Хулоса қилиб айтганда, бу каби дарслар натижасида ўқувчиларнинг тарихий саналарга оид билимлари эсда сақланиб қолади ва фанга бўлган диққат эътибори ортади ҳамда ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Лекин, бундай фаолият усталлик билан мавзудан узоқлашмаган ва дарснинг қоидаларига амал қилган ҳолда ташкил этилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахраров Ш.С. Педагогические основы формирования информационной и учебно-технические культур будущих учителей в системе педагогического образования // Т 1994 й. - 39 б

2. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. 7-синф. Тошкент, 2017 й.-109 б.

3. Рахматуллаев А, Самиев А, Умаров. Узлуксиз таълим тизимида инновацион технология. Услубий қўлланма. Термиз, 2013 й. - 47 б.

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 23-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(1-қисм)

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
